

ЎЗАНИНИ ТОПГАН ДАРЁ: ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ – АЙРО СОҲАЛАР ЭМАС

Абдулазиз РУСТАМОВ, ЎЗА

Аннотация. Мазкур мақолада иқтисодиёт ва молия соҳаларининг ўзаро узвий боғлиқлиги, ушбу йўналишларда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Молия институтининг бирлаштирилиши натижасида шаклланаётган янги таълим муҳитининг аҳамияти таҳлил қилинган. Муаллиф мазкур ислоҳотларнинг мамлакатда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва инсон капиталини ривожлантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади.

Мақолада иқтисодиёт ва молия фанларининг назарий ҳамда амалий жиҳатдан бир-бирини тўлдириши, глобал иқтисодий жараёнлар, инвестициялар, молиявий инқирозлар, рақамли иқтисодиёт ва инновацион ривожланиш шароитида ушбу соҳаларнинг ўзаро интеграцияси таҳлил қилинган. Шунингдек, олий таълим тизимини такомиллаштириш, илмий муҳитни кучайтириш, университетлар интеграцияси ва халқаро тажрибалардан самарали фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ёритилган.

Муаллиф иқтисодиёт ва молияни ягона тизим сифатида ривожлантириш мамлакат иқтисодий барқарорлиги, инвестициявий жозибадорлик ва рақобатбардош инсон капиталини шакллантиришнинг муҳим шarti эканини таъкидлайди. Хулоса сифатида таълим ва фан интеграциясига асосланган институционал ислоҳотлар иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, илмий салоҳиятни юксалтириш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро таълим ва иқтисодий рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, молия, таълим ислоҳотлари, олий таълим, инсон капитал, инвестициялар, рақамли иқтисодиёт, инновациялар, барқарор ривожланиш, университетлар интеграцияси.

Ўзбекистоннинг энг муҳим стратегик мақсадларидан бири дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига таълим-фан интеграциялашуви асосида кириб бориш, барқарор иқтисодиётга эришиш билан фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришига шарт-шароит яратишдир.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йил 5 февраль куни таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши улкан ислоҳотларнинг яна қандай янгича

йўналишларини белгилаб берди? Шулар хусусида мутахассисларнинг фикрларига қизиқдик:

– Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга масъул вазирлик ва идоралар, ҳоким ўринбосарлари мавжудлиги, лекин таълим, тиббиёт, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларидаги ислохотларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда оқсоқликлар кузатилаётганини таъкидлади, – дея ўз фикрини бошлайди Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, профессор Муҳиддин Калонов. – Жумладан, профессионал таълим учун масъул идоралар кўпайиб кетгани учун тизим ривожланмаётгани, эскича қарашлар, ишлаш тартиби ҳануз кузатилаётгани, бугунги кун билан ҳисоблашмаслик оқибатида иш берувчи ва техникумлар ўртасида ҳамкорлик йўқлигини танқид қилди.

Дарҳақиқат, бугун замон ўзгарди, давлат секторидан хусусий сектор улушини ошириш пайти келди. Шу боис олий таълимда қамров кескин ошди. Соҳага хусусий сектор кириб келсада-да, сифат ҳали такомиллашмаганига эътироз билдирди.

“Масалан, талабаларнинг мустақил ишлаши учун муҳит барча олийгоҳларда ҳам бирдек намунали ташкил этилмаган. Аксарият коллеж ва техникумлар ҳам, олийгоҳлар ҳам иш берувчилар талаби билан ҳисоблашмайди. Айримларида дарслик ва адабиётлар етишмайди, бори ҳам бугунги талабларга жавоб бермайди”, деган эди йиғилишда Президентимиз.

Умуман, айрим ректорларда ташаббус, интилиш, фидойилик етишмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис, олий таълим, фан ва инновациялар бўйича янги вазир тайинланиб, унинг олдида профессионал ва олий таълимда кескин ўзгариш қилиш вазифаси қўйилди.

Малакатимизда улкан инвестицион ислохотлар олиб борилаётган шароитда иқтисодиёт ва молияга оид билимлар бирлашуви соҳада етук ва керакли кадрлаш етиштиришни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки мамлакатга инвесторлар саромоя киритишда тадқиқотлар ўтказди, улар барқарор бозорларга кириб келиб, даромад топишни истади.

Инвесторлар учун иқтисод ва молияга оид аргументлар таҳлили, тавсиялар муҳим аҳамиятга эга. Бу икки фан фақат мамлакатимизда эмас, жаҳонда баъзи жиҳатлари билан бир-бирига яқинлашиб бормоқда. Айни пайтда истеъмолда ҳам иқтисодчилар, ҳам молия мутахассислари ҳукуматлар, корпорациялар ва молия бозорларида самарали индикатор сифатида ишламоқда. Баъзан соҳалараро фундаментал даражада ажралиш кузатилади, лекин йиллар давомида иқтисодиёт, инвесторлар ва бозорлар учун жуда муҳим тармоққа айланиб улгурган.

Тарихий жиҳатдан иқтисод кўпроқ назарий, молия эса амалий жиҳатларни эътиборга олади, аммо сўнгги 20 йилда фарқ анча камайган.

Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Молия институти ҳамда бошқа тармоқлар битта нуқтага бирлаштирилди. Бу олий таълим даргоҳлари узоқ йиллик тажриба лабораорияларини ташкил қилиб, яна ўз ўзанларини топди, дегани.

Иқтисодиёт ва молия ОТМлари тарихига назар

XX асрнинг 18-йилларида минтақамиздаги технологик ривожланиш, аграр секторларни самарали бошқариш ва кадрлар билан таъминлаш бўйича Туркистон халқ университетида савдо соҳаси мутахассислари учун қисқа муддатли курслар ташкил этилди.

Орадан олти йил ўтиб, университет қошида савдо соҳаси мутахассислари учун қисқа муддатли курслар негизида Ижтимоий-иқтисодиёт факультети ташкил этилди. Яна бир йилдан кейин эса бу Ижтимоий фанлар факультетига айлантирилиб, унинг негизида Маҳаллий иқтисодиёт ва ҳуқуқ факультети ташкил этилди.

Халқимизда ўқишга талаб доимо юқори бўлиб келган, 1931 йилда таълим олишга интиланган ёшлар кўлами кенгайиб, Тошкентда Режалаштириш институтини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Кейинчалик у Ўрта Осиё давлат савдо ва кооперация институти билан бирлаштирилиб, Ўзбекистон халқ хўжалиги институти номи билан фаолият юритди.

Институт маълум муддат такомиллашиб, 1931 йил 13 августда Ўрта Осиё молия-иқтисод институти сифатида ташкил этилди ва кейинчалик Тошкент молия-иқтисодиёт институтига айлантирилди.

1946 йил Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Олмаотага эвакуация қилинган Ленинград ҳисоб-иқтисод институти Тошкент молия-иқтисодиёт институтига қўшилди. 1947 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида саноат ва қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрловчи Режалаштириш-иқтисод факультети ташкил этилди. 1962 йилга келиб Тошкент молия-иқтисодиёт институти Тошкент халқ хўжалиги институти, деб ўзгартирилди.

Мазкур институт 1991 йилга қадар Тошкент халқ хўжалиги институти номи билан фаолият юритди. Математик фанлар улушини ошириш ҳисобига иқтисодчиларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари мустаҳкамланди. Шу тариқа иқтисодиёт ва бизнес учун институт томонидан тайёрланаётган кадрлар сони сезиларли даражада ошди.

1991 йил янги давр шабадалари эса бошлади, 19 июнда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ташкил этилди ва унда Иқтисодиёт, Бухгалтерия

хисоби ва аудит, Корпоратив бошқарув, Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва Халқаро туризм факультетлари, магистратура ва сиртқи бўлими, 24 та кафедра фаолият юритди. 1993 йилда Самарқанд шаҳрида университет филиали ташкил этилди.

Бу соҳалар айро эмас

– Молия ва иқтисодиёт ўзаро боғлиқ фан ва соҳадир. Иқтисодиёт тор ва кенг тушунчалардан иборат бўлиб, тор тушунча ички ўсиш, кенги эса ташқи мамлакатлар ўртасидаги капитал, товар ва хизматлар оқимига таянади. Молия соҳаси бу оқимларни режалаштириш ва тақсимлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди, – дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети ходими, эксперт Шерзод Қурбонов. – Сўнгги йилларда бутун жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида ҳам ўсиш, ҳам инқирозлар кузатилмоқда. Булар 2008 йилги глобал молиявий инқироз бўлиб, у глобал молиявий тизимни заифлаштирди, натижада тўлқинли таъсирлар бутун дунёда сезилди.

Иккинчи салбий таъсир пандемия инқирози бўлиб, жаҳон иқтисодиётида молиянинг роли фақат бизнес ва инвесторларни капитал билан таъминлашдан иборат эмас, у рискларни бошқариш, валюта айирбошлаш ва акциялар, облигациялар сингари воситаларни яратишини кўрсатиб қўйди. Бироқ ҳар бир қийинчиликнинг охири яхши бўлганидек, бу синовлар ресурсларни самарали тақсимлаш, савдони рақамлаштириш ва иқтисодий ўсишга ёрдам берди.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон молия тизими муаммолардан холи эмас. Муҳим муаммолардан бири бойлик ва имкониятларнинг мамлакатлар ва жамиятлар ўртасида тенгсиз тақсимланишидир. Бу тенгсизлик ижтимоий-сиёсий беқарорликка олиб келиши мумкин ва, ўз навбатида, глобал иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиш хавфи мавжуд.

Яна бир иқтисодий-молиявий хавф эса глобал молия тизимининг мураккаблиги ва ўзаро боғлиқлиги кучайишидир. Бу регуляторлар учун хавфларни кузатиш, назорат қилишни қийинлаштиради ва иқтисодий зарбаларнинг тез тарқалишига олиб келиши мумкин. 2008 йилги молиявий инқироз бу ҳодисанинг ёрқин намунаси. АҚШдаги уй-жой бозорининг кулаши глобал иқтисодий таназзулни келтириб чиқариши бунга мисол бўлади.

Бундай мисоллардан кўринадики, молия ва иқтисодиёт ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Молиявий фундаментал билимлар ва интеллектуал салоҳиятлар иқтисодий ўсиш ҳамда ривожланишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Аммо ўзаро боғланган тизимлар барқарор глобал иқтисодиётни таъминлаш учун ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Шу боис улар кўпинча алоҳида фанлар сифатида ўқитилиб, тақдим этилса-да, иқтисод ва молия ўзаро боғлиқ ва бир-бирини маълумот билан тўлдириб туради.

Мулоҳаза

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган фан ва таълим ислохотлари ҳеч кимни эътиборсиз қолдираётгани йўқ. Университетлар бирлашуви кўпчиликда турли саволларни юзага келтирди.

Халқаро миқёсдаги жаҳон таълим рейтингида турувчи олий таълим муассасалари 115 тадан кўп. Кореядаги олий таълим муассасарида ҳам шундай. Шу боис университет тасарруфидаги факультетлараро маршрут катновлари йўлга қўйилган. У ерда назария ва амалиёт битта ҳудудда бўлиб, ҳамма шароитлар яратилган. Мамлакатимизда эса, масалан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг умумий ер майдони 15 га.ни ташкил этади, Молия университетиники ундан ҳам кам, шунингдек, унинг факультетлари шаҳарнинг турли ерларида.

Олий таълим ривожланиши учун, аввало, илмий муҳит керак, яқин келажакда бирлашган университетларда ҳам 100 га майдонларда назария ва амалиёт, умуман, таълим муҳити бирлашиб, юқори сифат ҳосил қилиши мумкин.

Академик сифат жиҳатдан ҳам ўқитувчи, профессор иқтисодиёт ва молия фанлари учун икки университет ўртасида қатнаб дарс ўтарди. Энди яқин фанлар бир жойда жамланиб, профессор-ўқитувчиларнинг ҳам хотиржам вақтни қадрлашлари учун имконият, талабалар учун эса янги муҳит яратилди.

Бундай инновацион бошқарув яқин йилларда мамлакатда инсон капиталини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, иқтисодиётимизнинг назарий ва маҳаллий тадқиқотлар асосида барқарор ривожланиши, дунё таълим рейтингида юқорилашига хизмат қилади.